

## ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ТУРКЛАР ЖАМИЯТИДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ

Асанов Эльдар Энверович, PhD

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллый археология маркази,  
Тошкент, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8387647>

**Аннотация:** Ушбу мақолада илк ўрта асрларда ғарбий турклар жамиятида аёлларнинг роли мухокама қилинади. Таҳлил ва қиёс учун бошқа қадимги турк жамиятларига оид материал жалб қилинди. Шунинг асосида қилинган хулосага кўра, ғарбий турклар типик патриархал жамиятда яшаган бўлса ҳам, юқори ва ўрта табақага мансуб аёллар маълум ижтимоий ва сиёсий жараёнларда иштирок этган ва юқори ижтимоий мақом қозониш имкониятига эга бўлган.

**Калит сўзлар:** ғарбий турклар, қадимги турк жамиятлари, аёллар, ижтимоий мақом, гендер роллар, сиёсий никоҳ, легитимация, турк-рун битиклари.

## О РОЛИ ЖЕНЩИН В ОБЩЕСТВЕ ЗАПАДНЫХ ТЮРКОВ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

**Аннотация:** В данной статье обсуждается роль женщин в обществе западных тюрков в раннем средневековье. Для анализа и сравнения был привлечен материал, относящийся к другим древнетюркским обществам. На этой основе делается вывод, что, хотя западные тюрки жили в типичном патриархальном обществе, женщины из высшей и средней слоев участвовали в определенных общественных и политических процессах и имели возможность завоевания высокого социального статуса.

**Ключевые слова:** западные тюрки, древнетюркские общества, женщины, социальный статус, гендерные роли, политический брак, легитимация, турко-рунические надписи.

## THE ROLE OF WOMEN IN THE SOCIETY OF WESTERN TURKS IN EARLY MIDDLE AGES

**Abstract:** This article discusses the role of women in Western Turkic society in the early Middle Ages. For analysis and comparison, material related to other ancient Turkic societies was involved. Based on this, it can be concluded that although Western Turks lived in a typical patriarchal society, upper and middle-class women participated in certain social and political processes and had the opportunity to gain a high social status.

**Keywords:** Western Turks, ancient Turkic societies, women, social status, gender roles, political marriage, legitimization, Turko-runic inscriptions.

## КИРИШ

Тадқиқотларда одатда қадимги турклар жамиятида аёллар катта ўрин тутгани таъкидланади. Бунда асосан ёзма манбаларда қайд қилинган, кўпроқ ҳукмрон қатлам билан боғлиқ фактлар асос сифатида келтирилади. Жумладан, *Билга хоқон* битиктошида унинг отаси, мархум Элтариш хоқон билан бир қаторда онаси Элбилга хотун тилга олинади [13: 65]. *F. Бобоёров* эса араб географларининг китобларида *Чоч* вилоятида “ҳукмдор шаҳри” – *Жабгуват яқинида Хотункат* (“малика шаҳри”) номли шаҳар бўлганини келтириб, бу шаҳарнинг вужудга келиши ва номланишини “қадимги туркий анъана – давлат

бошқаруvida бош ҳукмдор – хоқон билан биргаликда, доимо унинг аёли хотун унвонли малика жой олиши анъанаси” билан боғлади [2: 241]. Қолаверса, Ғарбий турк хоқонлигига истеъмолда бўлган сўғд ёзувли тангаларда ҳукмдор билан бир қаторда малика тасвиirlangani ҳамда хотун унвони битилгани маълум [9: 55–61]. Кофириқалъадан топилган, хотун унвони туширилган муҳрдан келиб чиқадиган бўлсак [8: 67–74], ҳукмдор табақага мансуб аёллар ҳатто ўз муҳрларига эга бўлгани, яъни ҳужжат чиқариш ёки тасдиқлаш ваколатига эга бўлгани ҳақида хулоса қилиш мумкин. Битиктошлар ҳамда нумизматик материалдан ташқари, расмий ҳужжатларда ҳам ҳукмрон мавқега эга аёлар тилга олинади. Жумладан, Тоҳаристон ҳудудига оид бақтр тилидаги ҳужжатлардан “Кадагистон бекаси”, “турк маликаси” деб аталган *Баг-азияс Қутлуғ Тапағлиғ Билға Савуғ исмли ана шундай ҳукмдор аёл ҳақида биламиз* [9: 55–61].

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шу билан бирга, қадимги турклар жамиятида аёллар тутган ўринни баъзида ортиқ даражада юқори баҳолаб юбориш ҳолатлари кузатилади деб ўйлаймиз. Кўп тадқиқотчилар исломгача бўлган турклардаги гендер иерархияни таҳлил қилиб, ушбу жамиятларда аёлларнинг роли ислом давридагига нисбатан юқорироқлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, илк ўрта асрлар турк жамиятлари ҳам, ўша даврда бутун Евросиёда кузатилганидек, анъанавий патриархал тузумда бўлганини, эркакларнинг ижтимоий фаоллиги ва жамиятдаги ўрни аёлларга нисбатан беқиёс даражада юқори бўлганини кўрсатувчи кўплаб далиллар мавжуд.

Юқорида келтирилган фактларнинг айримларини таҳлил қилсак, аслида туркларда аёллар бошқа жамиятлардаги ролларда бўлгани англашилади. Бир нарсани олдиндан айтиб ўтиш жоиз – бизга қадар етиб келган, гендер тадқиқотларга жалб қилса бўладиган маълумотларнинг аксарияти туркларнинг ҳукмрон, аслзода қатламига оиддир. Биз бошқа қатламларга мансуб, “оддий” туркларда аёллар қандай ижтимоий мақомда бўлгани ҳақида жуда умумий тасаввурга эгамиз – бу жараёнларнинг умумий картинасини археологик ёдгорликлар таҳлилидан, ёзма манбалардаги майший характерга эга айрим маълумотлардан реконструкция қилишимиз мумкин. Шулар асосида шаклланган дастлабки тасаввурга кўра, ўрта қатламда аёллар асосан хўжалик ишлари билан ҳамда фарзанд тарбияси билан банд бўлган, эркаклар эса ҳарбий хизматга ва бошқа турли ишларга жалб этилган.

Юқори табақага мансуб аёллар эса маълум мавқега эга бўлган ёхуд турли сабабларга кўра ҳокимиятга, давлат бошқарувига эришиш имкониятига эга бўлган. Билға хоқон стеласида мархум хоқоннинг рафиқаси, амалдаги хоқоннинг онаси Эл билга хотун тилга олиниши бу аёл эрининг ўлимидан сўнг давлат бошқарувидаги иштирок этган, саройда юқори мақомни эгаллаган ва, қолаверса, ўғлига таъсир ўтказиш кучига эга бўлганидан далолат бериши мумкин.

Ғарбий турк хоқонлиги тангаларида, муҳрларида ва ҳужжатларида тилга олинган маликаларга келсак, буни F. Бобоёровнинг ўзи яхши тушунтирган. Унга кўра, *Тун ябгу* хоқон майда ҳокимликлар устидан назоратни кучайтириш мақсадида ҳокимлар хузурига ўз вакилларини – *тудунларни* юборган. Эслатиб ўтамиз, унгача марказий ҳокимият кўпроқ солиқ йиғиш билан чекланиб, вилоятларнинг ички бошқарувига аралашмаган. Тудунлар юборишдан ташқари, Тун ябгу хоқон ўз фарзандларини ҳам вилоятлар бошқарувига жалб қилган. Жумладан, 27 та майда ҳокимликни бирлаштирувчи, айни пайтда Сосонийлар билан чегарада жойлашган ва шу сабабли стратегик аҳамиятга эга бўлган Тоҳаристон ўлкаси бошқарувини ўғли *Тарду шадга* топширган. Ниҳоят, баъзи бир энг йирик ва нуфузли

ҳокимликларда таъсирини кучайтириш мақсадида Самарқанд ҳокимига ўз қизини узатган ва, хитой йилномалариға қўра, шу орқали амалда Самарқандни ўзига бўйсундирган [2: 10–11].

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Хотун тилга олинадиган танга ва муҳрларнинг катта қисми Сўғд ҳудудига тўғри келиши ҳам бежиз эмас: хоқонлик сулоласи вакиласи бўлган аёллар, табиийки, вилоят даражасида катта мавқега эга бўлган ва турмуш ўртоғи бўлмиш маҳаллий ҳокимнинг легитимлигини оширган, шу боис уларнинг исмлари, унвонлари ҳужжатларда ва тангаларда акс этган. Бу аслзода аёллар реал бошқарувда қай даражада иштирок этганини баҳолашга ёрдам берадиган манбалар – солномалар, расмий ҳужжатлар етиб келмаган.

Колаверса, бу ўринда биз аслзода хонадонга мансуб қизлар типик патриархал муносабатларда бўладиган функцияни бажараётганига гувоҳ бўляпмиз: улар турли хонадонлар ўртасида қариндошлиқ ришталарини, улар орқали эса иттифоқни ўрнатиш мақсадида турмушга берилган. Бундай ролдаги маликалар ёки аслзода аёллар ўзининг тақдирини ўзи белгилай олмагани ва амалда катта сиёsat қўлида легитимлик айирбошлиш воситаси бўлганини тан олиш керак.

Умуман, сиёсий никоҳлар турк хоқонликларида кенг тарқалган амалиёт бўлган. Бундай никоҳлар одатда турли давлатлар билан алокаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўюштирилган. Жумладан, *Истами хоқон* эфталларга қарши курашда *Сосонийлар* билан тузилган иттифоқни мустаҳкамлаш мақсадида форс шоҳи *Хусрав I Ануширвонга* қизини узатган. Юқорида тилга олинган Тун ябғу хоқон яна бир қизини Сосонийларнинг замондош ҳукмдори *Хусрав II Парвизга* узатган. Шунингдек, у хитой маликасига уйланиш учун *Хитой* императорига элчи юборгани, *Византия* императори *Ираклий* билан *Кавказда* учрашганида эса император унга қизини беришни ваъда қилгани маълум [2: 11]. Билга хоқон битигида унинг тилидан *Тургаш* хоқонига қизини каттакон тўй ўюштириб узатгани, унинг қизини эса ўз ўғлига олиб бергани айтилади. Шу йўл билан у тургашларни амалда бўйсундирган, ўша матнда айтилганидек, “бошлиларнинг бошини эгдирган” [13: 61].

Маликаларнинг мавқеи хақида хулоса қилишга имкон берадиган яна бир дикқатга сазовор жиҳат мавжуд. Шарқий турк хоқонлиги пойтахтида, туркларнинг энг олийнасаблари шарафига ўрнатилган монументал стелаларнинг барчаси эркакларга бағишиланган. Улар орасида, хоқонлардан ташқари, уларнинг энг яқин ёрдамчилари, вазирлари ва саркардалари бор (масалан, *Тўньюқуқ ва Култегин*). Култегин хоқоннинг укаси ва амалда мамлакатни Билга хоқон билан бирга бошқарга, жангларда қаҳрамонлик кўрсатган машҳур саркарда сифатида йирик фигура бўлгани боис унга истисно тариқасида битиктош аталган деб ҳисоблаш мумкин. Элтариш хоқон ва *Қанаган хоқонларнинг* укаси бўлмиш Элэтмии ябгу шарафига ўрнатилган *Онгин* стеласини ҳам шу билан тушунтириш мумкин. Аммо *Ашина* хонадонига мансуб бўлмаган *Тўньюқуқ*, *Кули чур* сингари давлат арбоблари ҳам ўз битиктошларига эга эканини инобатга олсак, ҳукмрон қатламга мансуб аёллар роли улардан пастроқ баҳоланган, деган хулосага келиш мумкин. Демак, хоқонликда энг юқори мавқени хоқондан сўнг унинг яқин эркак қариндошлари, энг йирик амалдор ва саркардалар эгаллаган, аёллар эса улардан кейинги ролларда бўлган ва ҳарқалай уларга атаб битиктош тикиш анъанаси мавжуд бўлмаган.

Масалани Ўрта Осиё битиклари контекстида кўриб чиқадиган бўлсак, ғарбий туркларда ҳам шунга ўхшаш иерархия сакланганини кузатиш мумкин. Тўғри, бу битиклар олийнасаб ҳукмдорлар ва уларга бевосита хизмат қилувчи йирик амалдорларга эмас,

куйироқ табақага – ҳарбий зобитлар ва маҳаллий даражадаги аристократияга оид. Аммо бу ижтимоий қатламларда ҳам гендер роллар юқорида таърифланган ҳолатни такрорлайди: битиктошларнинг барчаси эркакларга атаб ўрнатилган.

Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг турк жамиятларида аёллар ислом давридагига нисбатан юқорироқ ўринга эга бўлгани ҳақидаги хulosага қўшилиш керак. Улар эсга олинмайдиган, овози эшитилмайдиган субалтерн ҳолатида бўлмаган. Ёзма манбалар уларни тилга олади, контекст эса манбанинг характеристига қараб ўзгаради. Айтайлик, йирик монументал битикларда аёллар сиёсий жараёнларнинг актори сифатида гавланади. Хоқонларнинг қизлари ўз тақдирини ўзи белгилай олмайдиган легитимация қуроли бўлса, Эл билга хотун, Кутлуғ Тапағлиғ Билга Савуғлар эса, аксинча, бошқарувда ҳам бевосита иштирок этадиган нуфуз соҳибалари сифатида тилга олинади. Ўрта аристократ ва ҳарбий қатлам ҳаётидан дарак берувчи ёзувларда аёлларнинг яқин қариндошлар, оила аъзолари сифатида тилга олинади. Бир сўз билан айтганда, қадимги турклар ҳаёти типик патриархал социум хусусиятларини намоён этса-да, аёллар бу жамиятнинг кўздан панада сақланадиган пассив иштирокчилари бўлмаган, балки сиёсий ва ижтимоий муносабатларда қатнашган, баъзида эса ҳатто бундай муносабатларни қуришда муҳим роль ўйнаган.

Аёллар оиласарда анча юқори мавқега эга бўлганини ва ардоқланганини кўрсатувчи диққатга сазовор бир деталга тўхталиб ўтсак. Талас-1 матнida марҳумнинг рафиқасига нисбатан *qatun* “малика” сўзи ишлатилади: *Qatuni Yäşinü anta tuli qalmış* “Хотини Яшину шунда тул қолди” [11: 47].

Бу матнни таҳлил қилиш жараёнида биз дастлаб Ғарбий турк хоқонлигига тарқалган қадимги турк тилида *qatun* лексемаси бугунгига яқин “хотин, рафиқа, турмуш ўртоғи” маъноларига келиб қолган, деган фикрга борган эдик [1: 90]. “Балки бу битиктош олийнасаб хонадон вакилига тегишлидир ёки рафиқаси ҳукмдор оиладандир” деган тушунтиришни қабул қилмаслигимизнинг сабаби ўз хотинига нисбатан шундай мурожаат бошқа Талас битикларида ҳам учраши эди: *Qutluğ ärän äsiz oğlan čur ulayu qalmış qatuni qara tul qalmış* “Ортида қутлуғ эрлар ва Чурнинг азиз ўғли қолди. Хотини қора тул бўлиб қолди” (Талас-4); *Alınč armış qatun oğul yurčı äsiz* “Алинч чарчади. Хотини, ўғли, қайниниси қадрли” (Талас-5) [11: 100].

Аммо кейинги кузатишлар рафиқасига “маликам” деб мурожаат қилиш қадимги туркларда кенг тарқалган одат эканини тасдиқлади. Талас матнларида бу маънода *qatun* лексемаси ишлатилган бўлса, Енисей корпусига мансуб *Барик III* битигида *qıpçıy* “малика [4: 466]” эпитетидан фойдаланилади: *Quyda qıpçıy utqaqa özdä oğlumqa adırıltım* [12: 35]. Бундай мурожаатлар индивидуал эмас, кўп ўринларда учрашини муайян оиласарнинг ўзаро мулоқот қўниммалари билан тушунтириб бўлмайди; афтидан, рафиқасига мурожаат қилишнинг ўзига хос маданияти бўлган.

Бундан ташқари, битиклар коммеморантларининг рафиқалари қуйидаги лексемалар билан ифодаланади: *yutuz* “хотин, рафиқа” (нисбатан кенг қўлланади) ва *kiši* “хотин, аёл” (Талас-13). Қадимги туркий тилда *kiši* (Ўрхун битиктошлари тилида *kisi* шакли ҳам учрайди) сўзи кўпроқ “эркак, одам” маъносига қўлланади [4: 310], аёллар эса *tiši* деб аталади [4: 563]. Аммо қўрилаётган лексеманинг иккинчи маъносини ҳам паст частотали ёки диалектизм деб бўлмайди, негаки у кейинги давр манбалари, хусусан, “Девону луготит-турк”да ҳам шу маънода келтирилади [7: 339–340].

Шунингдек, бир неча матнда марҳумларнинг рафиқалари *tuli* “тул” деб аталади.

Ёдномаларда, рафиқадан ташқари, мархумнинг аёл қариндошларидан қуидагилар эсга олинади: *ana* “она”, *qız* “қиз”, *oğuz* “келин”. Хотин, она ва қиз яқин, қондош қариндошлар ҳисоблангани боис тилга олиб ўтилиши тушунарли, аммо келин ҳам бу рўйхатга киргани биз учун бироз кутилмаган ҳолат бўлди. Келин эсга олинадиган матн – *Талас-2* битиктоши коммеморантининг келини бирор нуфузли оиладан бўлган ва уни қариндошлар рўйхатида келтириш мархумга қўшимча ижтимоий салмоқ берган, деб тахмин қилиш мумкин. Нуфузли хонадонлардан олинган келинлар ижтимоий мақомни кўтариши мумкин бўлгани ҳақида юқорироқда фикр юритган эдик. Бу тахминни асосли деб ҳисобласак, ҳукмрон табақа орасида урф бўлган ижтимоий нуфуз қозониш амалиётлари (тангаларда хоқоннинг қизи бўлмиш “хотун”лар тилга олинганини эсланг) улардан қуириқ аристократия орасида ҳам кенг қўлланилган – сиёсий (бу ўринда ижтимоий десак анироқ бўлади) никоҳлар тузилган ва улардан ўз қатлами доирасида обрў қозонища фойдаланилган, деган хулоса қилиш мумкин.

Тахминимизни қувватлайдиган бир кичик деталь бор. *P. Алимовнинг* таржимасига таянадган бўлсан, Талас-2 да катта эҳтимол билан келиннинг исми келтирилади; афсуски, матннинг ўша қисми заарланган бўлиб, исмни аниқ ўқиб бўлмайди: *Oğuz ati...* “келинининг оти” [11: 66]. Ўрта Осиё турк-рун битикларида (ва умуман турк-рун матнларида) аёлларнинг исмлари жуда оз ўринларда айтиб ўтилади: кўп матнларда номсиз оналар, хотинлар, сингиллар, қизлар санаб ўтилади. Аёлнинг номи келтириши одатда унинг жуда юқори мақомга эгалигидан далолат беради (Билга хоқон битиктошидаги Элбилига хотун сингари) Р. Алимовнинг талқини анча ишончли ва ҳақиқатга яқинлигини инобатга олиб, бу ўринда дарҳақиқат, бизгача сақланмаган бўлса-да, келиннинг исми ёзилганини, яъни келин оиласида алоҳида нуфузга эга бўлганини таъкидлаш мумкин.

Юқоридаги мисолдан ташқари, Ўрта Осиё турк-рун матнлари корпусининг яна икки ёдгорлигида аёл кишининг исми келтирилганини у ёки бу даражада ишонч билан айтиш мумкин. Биринчиси – Талас-1: битиктош бағишланган мархум эркак – *Удуннинг* рафиқаси *qatun* “малика” деб аталиши билан бир қаторда, аёлнинг исми ҳам тилга олинган: *Qatuni Yāšinii anta tuli qalmış* “Хотини Яшину шунда тул қолди”. Таъкидлаб ўтиш жоиз, ушбу матнда аёл кишининг исми яна Р. Алимовнинг ўқишида тикланган, ундан олдин матн таржимасини таклиф қилган С. Малов бу сатрда аёл исмини кўрмайди лекин “малика” эпитетини кўради: *Qatuni aqırarında tuli qalmış* “Унинг хотини қайғу ичра тул қолди” [6: 57–60].

Бизга Р. Алимовнинг ўқиши анча ишончли ва замонавий қўринмоқда. Қолаверса, у тиклаган аёл исми шакли ва этимологиясига кўра мантиқлидир: бизнинг реконструкциямизга кўра, ушбу исм *yaš>yāš* “ёш, яшил” ўзагидан ҳосил қилинган. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадики, Удуннинг “малика”си Яшину ҳам оила жамоасида катта мавқега эга бўлган ёки бирор нуфузли оиласдан келин қилиб олиб келинган, шу боис битиктошда у “малика” деб аталган ва ҳатто исми келтирилган.

Аёл исми реконструкция қилинган яна бир Ўрта Осиё ареали турк-рун битиги *Шомирзатепа* (*Марғилон*) ёдгорлигидир. Марғилон шаҳри яқинидаги Шомирзатепа манзилгоҳидан топилган. Фарғона водийсида қайд қилинган аксарият ёзма ўrnаклар сингари, у жуда қисқа бўлиб, хум гардишига туширилган бешта белги ва тамғадан иборат [10: 270–274]. Намунага И. Кизласов шубҳа билан қараб, турк-рун битиклари руйхатига киритмаган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, И. Кизласовнинг тадқиқоти 1990-йиллар бошида

чоп этилган. Ҳолбуки, Я. Ҳарматта 1988 йилдаёқ ушбу битикнинг ўқилишини мұваффақият билан амалга оширган эди.

Барча нашрларда матннинг бирдай ноаниқ чизмаси () келтирилади. Я. Ҳарматта, ундан сўнг эса A. Кубатин матн учун айнан бир хил ўқиш таклиф қылған: *İşim Qani*. Аммо Я. Ҳарматта бу сўзларни аёлларга тегишли атоқли от деб ҳисобласа [14: 39–41], А. Кубатин унда “Эшим (турмуш ўртогим) қани” деган ҳайқириқни қўрган [15: 462]. F. Бобоёровга кўра эса, матнни *aşım ät ani* “унга миннатдорлик билдири” деб ўқиш мумкин [5: 571].

Ҳамкаслар билан шахсий сұхбатларда биз матннинг иккинчи сўзи учун *qan* “хон”, *qani* “қони/қонамоқ”, *qanı* “қониқмоқ” версияларини таклиф қилғандик. Амм ушбу тадқиқотда қўйилган вазифалар бошқалиги учун бу ўринда икки хил ўқиш вариантидан ҳамда ўз тахминларимиздан қай бири тўғрилигини баҳоламай, кўриб чиқилаётган мавзу контекстида қизиқ бўлган версияни – Я. Ҳарматта таклиф қилган талқинни муҳокама қиласиз. А. Кубатиннинг талқини баъзи мулоҳазаларга кўра бизга ишончсизроқдек туюлмоқда. Биринчидан, бу қадар қисқа матнда ушбу лексема *qanı?* сўроқ олмоши маъносига ишлатилганини тўла ишонч билан айтиш учун материал етарли эмас (очиғи, бошқа версияларни ҳам тасдиқлаб бўлмайди). Қолаверса, матн битиктошга эмас, сопол парчасига ўйиб ёзилганини инобатга олиш керак: “хотиним қани?” шаклидаги экспрессив мурожаат шакли қўпроқ битиктош матнлари учун характерли.

Иккинчидан, бошқа битикларда қузатишимиз бўйича, *äş/iş* лексемаси “эш, йўлдош, дўст” маъносига қўлланган [4: 185]<sup>1</sup>. А. Кубатин таржимасидаги бу муаммони ҳал қилиш учун матн бошида ՚ рунаси тушиб қолган деб тахмин қилиш мумкин, шунда матннинг биринчи қисми *işim* эмас, *kişim* “хотиним” деб ўқилиши мумкин. Аммо бундай тахмин қилиш учун асос етарли эмас, қолаверса, биринчи келтирилган мулоҳазада сопол парчасига мурожаат формуласи ёзилиши нима сабабдан шубҳали эканини айтиб ўтган эдик.

Шундай қилиб, Я. Ҳарматтанинг ўқиши қабул қилинган тақдирда, Ўрта Осиё туркрун битикларида фақат уч ўринда аёл кишининг исми тилга олинганини ва бир ўринда бу исм ўчиб кетганини таъкидлаш мумкин.

## ХУЛОСА

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- илк ўрта асрлардаги турк жамиятлари кўп соҳаларда эркаклар устунлик қиласиган типик патриархал тузумда яшаган;
- ҳукмрон табақа ва ундан қўйироқда турувчи қатламларда аёллар, ўша даврнинг бошқа патриархал жамиятларида кузатилгани каби, тобе ролда бўлган, улар сиёсий никоҳларга ҳамда ижтимоий мақомни ошириш мақсадларига жалб қилинган;
- бу амалиётлар айрим ҳолатларда аёлларнинг ижтимоий ролини ва мавқенини кўтариб юборган, масалан, нуфузли хонадонлардан олинган келинлар катта легитимацион кучга эга бўлган, шу сабаб матнларда, ҳокимият рамзларида турмуш ўртоқлари – вилоят ҳокимлари, ҳукмдорлар билан бир қаторда уларнинг ҳам овози акс этган;
- аёллар кейинги даврга нисбатан маълум эркинлик ва социал мобиллик имкониятларига эга бўлган, уларнинг орасида ҳокимият бошқарувида иштирок этганлари бўлган;

<sup>1</sup> ДТСда ҳам фақат шу маъносига келтирилганига қараганда, мазкур ўзак ҳатто XI асрда ҳам бугунги баъзи туркӣ тилларда қайд қилинган “турмуш ўртоғи” маъносини касб этмаган.

- туркларда аёлларга мўлжалланган маҳсус унвонлар – *qatun* ва *qipchiy* бўлган. Қадимги туркларда жуда кўп бўлган бошқа унвонлар эса эркакларга берилган;
- турли худудлардан топилган битиктошларда малика бўлмаган аёлларга нисбатан юқоридаги унвонлар қўлланилиши ё маълум мурожаат маданияти бўлганидан, ё бу терминлар эпитет сифатида аёллар нуфузли хонадонга мансублигини билдириш учун ишлатилганидан далолат беради;
- шунга қарамай, йирик монументал битиктошлар ҳам, ўрта қатлам аристократиянинг битиклари ҳам асосан эркакларга бағишланган, кўп ҳолларда уларнинг аёл қариндошлари – оналари, рафиқалари, қизлари, келинлари тилга олинган;
- ғарбий туркларнинг манбаларида аёлларнинг исми жуда кам келтирилади; тахминимизча, бу фақат оиласда ёки жамиятда катта нуфузга эга бўлган аёлларнинггина исмлари ёзма ёдгорликларда маҳсус қайд этилган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Асанов Э.Э. Ўрта Осиё турк-рун битикларининг тили. Фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2023.
2. Бобоёров F. Тун ябгу-хоқон. – Тошкент: “Абу матбуот-консалт”, 2011.
3. Бобоёров F. Ғарбий турк хоқонлигининг давлати тузуми. – Тошкент: “Янги нашр”, 2018.
4. Древнетюркский словарь. – Ленинград: “Наука”, 1969.
5. Западный тюркский каганат. Атлас. Коллектив авторов. – Астана: Service Press, 2013.
6. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1959.
7. Махмуд ал-Кашгари. Диван Лугат ат-Турк. – Алматы: “Дайк-Пресс”, 2005.
8. Бабаяров Г., Асанов Э. Печать с надписью «хатун» из Кафир-калы // Согдийский сборник, вып. 8, 2021. С. 67–74.
9. Жуманиёзова Ф. Илк ўрта асрларда Турон хотин-қизлари // Ўзбек хотин-қизларининг давлатчилик тарихимиздаги ўрни ва хизматлари. Конференция материаллари. – Тошкент, 2022. Б. 55–61.
10. Заднепровский Ю.А. Тюркские памятники в Фергане // Советская археология, 1967, №1. С. 270–274.
11. Alimov R. Tanrı Dağı Yazıtları. – Konya: Şelale Ofset, 2014.
12. Aydın E., Alimov R., Yıldırım F. Yenisey – Kırgızistan Yazıtları ve İrk Bitig. – Ankara: BilgeSu, 2013.
13. Tekin, T. Orhon Yazıtları. – İstanbul: Yıldız, 2003.
14. Harmatta J. Doğu Avrupa'da Türk Oyma Yazılı Kitabeler. – Ankara, 1988.
15. Kubatin A. Özbekistan'da Bulunan Bazı Eski Türk Yazılıları Üzerine // Ötükeneden İstanbul'a. Bildiriler. – İstanbul, 2011. S. 459-471.